

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

1. Азимов Х. Будда динининг Хитойга кириб боришида Марказий Осиёлик роҳибларнинг ўрни (Хитой манбалари асосида) 3
2. Абдухалимов Б., Мухаммадаминов С. О рампурском и ташкентском списках сочинения «Матла‘ ан-нуджум» Абу Хафса ан-Насафи 19
3. Муратов А. Умар Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарига асос 30 29
4. Fayzullo F. Amir Temurning fe’l-atvori va yosoqi ta’rifi (Hofizi Abruning “Zubdat at-tavorix” asari asosida) 39

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

1. Кочкарова Э. Источники по проблеме Российской системы образования в Туркестанском крае 59
2. Алимджанов Б. (История деятельности Верненского (Алматинского) филиала Русско-Азиатского коммерческого банка 71

ИСЛОМШУНОСЛИК

1. **Султонов Ў.** Ўрта Осиё хўжаларининг сакраллашуви масаласига доир 85
2. **Кенжабоева Р.** Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида вақф қилувчининг вақф мулки устидаги ҳуқуқлари масаласи 97

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

1. **Comstock-Skipp J.** Can we really call it the “Bukhara School”? Sheybanid arts of the book in the 16th century..... 106
2. **Олимжонов Ҳ.** Тошкент оммавий кутубхонаси тарихи *(1870–1889 йиллар)*.....134

ТИЛ ВА АДАБИЁТ

1. **Ҳамроева О.** Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам фи маъойир ашъор ал-ажам” асари тадқиқи..... 145

Абдуллаева М. Кичик адабий жанрларда анъанавий мотивлар таҳлили 154

ЯНГИ НАШРЛАР

1. **Раҳимжонов Д.** Нодир қўлёзманинг факсимиле нашри 172
2. **Бўриев О.** Истахрий. “Китаб ал-масалик вал-мамалик” асарининг ўзбек тилига таржимаси 176

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2025 йил 25 декабрдаги 9-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Акрам Ҳабибуллаев
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон: *(8 371) 262-54-61,*
Факс: *(8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

that the Tashkent copy, unlike the Rampura one, was more complete in content and much better preserved.

Key words*: *Abu Hafs an-Nasafi, "Matla 'al-nujum wa-majma' al-'ulum", Rampur copy, Tashkent copy, Maverannahr, Samarkand, manuscript, copies, collection, madrasah.

А. Муратов

Умар Насафийнинг "ат-Тайсир фи-т-тафсир" асарига асос бўлган манбалар

Ўзбекистон қадимдан дунёнинг маърифат ва маънавият ривожланган минтақаларидан ҳисобланган. Унинг тарихи ва мамлакат қўлёзма фондларида сақланаётган юз минглаб асарлар бир томондан аждодларнинг нақадар илмга катта аҳамият қаратганларидан далолат қилса, иккинчи жиҳатдан ушбу минтақадан олимларнинг кўплаб етишиб чиққанига гувоҳлик беради. Мовароуннаҳр ҳудудида барча илм соҳалари ривожлангани каби Қуръон илмларига оид асарлар таълиф этиш анъанаси ҳам қадимдан шаклланган [1:13]. Қуръоншунослик ва тафсир илмига оид асарлар ёзган мовароуннаҳрлик алломалардан Абу Мансур Мотуридийнинг (870–944) "Таъвилот аҳл ас-сунна" ("Аҳли сунна қарашлари"), Абу Лайс Самарқандийнинг (911–985) "Тафсир ас-Самарқандий", Маҳмуд Замахшарийнинг (1075–1144) "Ал-кашшоф ан ҳақоиқ ат-танзил ва уюн ал-ақвол фи вужуҳ ат-таъвил " ("Қуръон ҳақиқатлари ва уни шарҳлаш орқали сўзлар кўзларини очиш"), Абулбаракот Насафийнинг (1232–1310) "Тафсир ал-мадорик" ("Қуръон маънолари ва таъвил ҳақиқатлари") ҳамда Мавлоно Яъқуб Чархийнинг (1363–1447) "Тафсири Чархий", Ҳусайн Воиз Кошифийнинг (1442–1505) "Тафсири Ҳусайний" каби асарларини санаб ўтиш мумкин [12:54]. Мазкур асарлар араб, форс, туркий тилларда ёзилган бўлиб, алломаларимиз уларда Қуръони карим оятларининг маъноларини шарҳлаб халқимизга етказганлар [13:58]. Улар қаторида яна бир муҳим тафсир илмига оид қўлёзма

манба Абу Ҳафс Умар Насафийнинг (1074–1142) “ат-Тайсир фи-т-тафсир” (“Тафсир борасида енгиллик”) асаридир. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида ушбу асарнинг еттита қўлёзма нусхаси мавжуд (инв. №№ 3164, 3150, 3231, 4789, 5265, 7124, 11922), бироқ уларнинг барчаси яхши ҳолатда сақланмаган.

Олимнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асари тафсирнинг бил *маъсур*[1] ва *рай*[2] услубида ёзилган. Манбада асосан юртимизда кўп йиллардан бўён амалда бўлиб келган ҳанафийлик мазҳаби ва ақидада мотуридийлик йўналишининг нозик жиҳатлари далиллар асосида очиқ-ойдин баён қилинган. Олим асарни икки йилда ёзиб тугатар экан, унинг яратилишида ислом оламида тафсир, луғат, тасаввуф, ақида ва бошқа илмлар борасида мўътабар саналган қўйидаги манбалар асос бўлган.

Ан-Насафий асарида фойдаланган манбалардан бири Муқотил ибн Сулаймон Самарқандийнинг (ваф. 767) “Тафсир Муқотил ибн Сулаймон” тафсири ҳисобланади. Ушбу асардан Умар Насафий кўплаб нақллар келтирган. Нақл қилинган маълумотлар асосан оятларнинг нозил бўлиш сабаблари тарихий воқеалар негизида очиб берилади. Умар Насафий “ат-Тайсир” асарида “Такосур” сурасининг нозил бўлиш сабабини қуйидагича келтиради: “Муқотил ибн Сулаймон айтади: “Қурайшдан Абдуманноф ва Саҳм ўғилларидан бўлган икки қабила ўртасида мунозара бўлди. Ҳар ким ўз шарафини ўйлай бошлади. Абдуманноф ўғиллари Саҳм ўғилларига “Биз сиздан кўра устунмиз, чунки бизнинг эркакларимиз кўпроқдир, азизларимиз ўта азиз, сўзимиз ўта таъсирчан, шарафимиз буюкдир ва сонимиз ҳам кўпроқдир” деди. Саҳм ўғиллари ҳам шунга ўхшаш гап айтдилар. Бунинг устига ўзларининг қабилаларига мансуб инсонларни санай бошладилар. Абдуманноф ўғилларининг сони улардан кўпроқ чиққанда эса, “Бўлмаса ўликларимизни ҳам ҳисоблаймиз”, дейишди. “Такосур” сураси мана шу икки қабила ҳақида нозил бўлди”, – деб тафсир қилади [3: 320].

[1] Қуръон оятларини оят ва ҳадислар билан шарҳланиши.

[2] Муфассир олим илмий салоҳиятидан келиб чиқиб Қуръон оятларидан тушунган маъноларини тафсирда келтиради. Лекин оят шарҳи Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда баён қилинган ҳукмларга зид келмаслиги лозим. Агар зид келса, муфассир шарҳи инобатга олинмайди.

Абу Убайда Маъмар ибн Мусаннанинг (728–824) “Мажоз ал-Қуръон” (“Қуръондаги мажоз ўринлари”) асаридан эса оятлардаги нозик иборалар ва уларни араб қабилалари қандай ишлатгани оид нақллар талқинида истифода этган [1: 57].

Истифода этилган манбалардан яна бири Имом Фарронинг (761–822) “Маъон ал-Қуръон” (“Қуръон маънолари”) асари. Бу ислом динига оид манбаларда “Фарро” номи билан машҳур бўлган. У кишига олимлар томонидан “Араб тилшунослик илми борасида мўминларнинг амири”, “Агар Фарро бўлмаганида луғат илми машҳур бўлмасди”, “Наҳв, луғат ва араб адабиёти шайхи” деган унвонлар берилган [11: 10/119]. Умар Насафий асарида оятларни луғавий маъноларини шарҳлашда, асосан, Имом Фарронинг мазкур китобдан олган иқтибослари асосида ҳар бир луғатнинг истилоҳий маънолари ҳамда соф араб қабилалари ундан қандай истифода этганларини мисоллар билан келтириб ўтган [1: 39].

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муслим Қутайбанинг (ваф. 889) “Таъвил ал-мушкил ал-Қуръон” (“Қуръоннинг мушкил ўринлари таъвили”) ва “Ғариб ал-Қуръон” (“Қуръон ажойиботи”) номли асарлар ёрдамида қироат турлари ва тажвидга оид қоидаларга оид маълумотларни ёритган. Бироқ “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асари қўлёзма нусхаларида мазкур икки манба номи умуман учрамайди, лекин муаллифнинг исми зикр қилиган [2: 4789].

Ибн Жарир ат-Табарийнинг (839–922) “Жоме ал-баён фи тафсир ал-Қуръон” (“Қуръон тафсир қилишда комил равшанлик”) асари. Олимлар орасида Ибн Жарир ат-Табарий “тарихнинг отаси”, “тафсир илмининг отаси” деб тан олинган. Умар Насафий оятларнинг сабаби нузули ҳамда саҳобалар томонидан айтилган луғат илмига оид истилоҳлар баёнида Табарийнинг мазкур асаридан кўплаб нақлни келтирган [1: 274].

Абу Исҳоқ аз-Зажжожнинг (855–923) “Маъон ал-Қуръон” (“Қуръон маънолари”) номли асари. Табақот китобларида “Имом Зажжож” номи билан луғатшунос, араб грамматикасининг моҳир олими сифатида машҳур бўлган. Умар Насафий ушбу олимнинг “Маъон ал-Қуръон” китобидан оятларнинг луғавий ва истилоҳий маънолари борасида жуда кўп маълумотлардан фойдаланган [10: 123].

Абу Мансур Мотуридий (870–944) қаламига мансуб “Таъвилот аҳли сунна” (“Аҳлу сунна таъвиллари”) асари. Китобнинг бошқа номи “Таъвилот аҳли Қуръон” (“Қуръон аҳлининг таъвиллари”) деб номланади. Умар Насафий “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарини ёзишда бошидан то охиригача мазкур асардан нақллар келтирган. Маълумотларни ёзишда баъзида Имом Мотуридийнинг исмини очиқ айтса, бошқа ўринда китоб номи ва “имом” иборасини қайд этиш билан кифояланган. Олимга нисбатан эҳтироми баланд бўлгани учун асарнинг баъзи ўринларида Шайх Имом Зоҳид Абу Мансур Мотуридий деган лафзни ҳам ишлатган [1: 16].

Абу Лайс Самарқандийнинг (944–983) “Баҳр ал-улум” (“Илмлар денгизи”) асарига Мовароуннаҳр диёрида тафсир илми борасида машҳур манбалардан бири сифатида қаралган. Умар Насафий ушбу тафсирдан ҳам унумли фойдаланган. Масалан, “Масад” сураси тафсирида аввал Табарийдан Ибн Аббоснинг: “(Умму Жамил) тиканларни ташиб, Расулуллоҳ намозга кетаётганларида йўлларига ташлар эди” – деган маълумотни беради. Сўнг оят маъноси ва воқеани янада аниқроқ баён этиш учун “Баҳр ал-улум”даги Икрима (646–723), Мужоҳид (642–723) ва Қатода (680–736) розияллоҳу анҳумларнинг қуйидаги талқинидан иқтибос олади: “У чақимчилик қилиб юрарди. Бу ердаги ўтин чақимчиликдан истиора бўлиб келмоқда. Аслида ўтин билан олов ёнади. Чақимчилик билан эса инсонлар орасида адоват, ёмон кўриш, фитна ва урушлар пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам чақимчиликни истиора сифатида ўтин маъноси билан ифодаланмоқда [1: 525].

Абу Абдураҳмон Суламийнинг (942–1021) “Тафсир ҳақоиқ ат-таъвил” (“Таъвил ҳақиқатларини шарҳлаш”) номли асари. У Хуросоннинг машҳур тасаввуф уламоларидан бўлиб, инсон руҳий камолоти учун ички оламини салбий иллатлардан поклаш борасида кўплаб асарлар ёзган. Табақот китобларида Суламийнинг “Ҳақоиқ ат-таъвил” номли асари “Ҳақоиқ ат-тафсир” деб номланган. Олим бу асарни ёзишда машҳур тасаввуф олимлари Абу Усмон Ҳийрий (845–911), Ибн Атоуллоҳ Сакандарий (1260–1309), Форис ибн Ийсо Суфий (870–944) ва Жаъфар Содиқ (699–765) сўзларидан фойдаланган [1: 26]. Умар Насафий ҳам оятларнинг тасаввуфий ва ишорий маъноларини “Тафсир ҳақоиқ ат-таъвил” асаридаги нақллар

воситасида очиб берган. Бунда муаллифнинг исмини зикр қилмаган ҳолда айнан манбанинг ўзини келтирган. Фақатгина бир ўринда “Бақара” сурасининг 19-ояти тафсирида Абдураҳмон Суламий исми ва китобига ишора қилган. Бироқ асар номини “Ҳақоиқ ал-Қуръон” деб ёзган [3: 11922].

Абу Исҳоқ Аҳмад ибн Муҳаммад Иброҳим Ас-Саълабийнинг (ваф. 1053) “ал-Кашф ва ал-баён ат-тафсир ал-Қуръон” (“Қуръон тафсир қилиш борасида равшанлик”) асари. Ас-Саълабийнинг тафсир илмида моҳирлигини кўплаб олимлар, жумладан, Ибн Халгон ҳам эътироф этган: “Ас-Саълабий тафсир илмида замонасининг ягонаси эди. Унинг ёзган тафсири бошқа тафсирлардан бир неча жиҳатлари билан устун эди” [10: 80]. Бинобарин, Умар Насафий ҳам ривоятларни нақл қилишда, хусусан, саҳобаларнинг Қуръон оятлари борасида айтган сўзлари ва тилшуносликка оид қарашларини ёритишда бу асардан асосий манба сифатида фойдаланган [3: 58].

Абдулкарим ибн Ҳавозин ибн Абдулмалик Қушайрийнинг (986–1073) “Латоиф ишорот” (“Гўзал кўрсатмалар”) номли тафсири. Табақот китобларида “Зайн ал-ислом” (Исломнинг зийнати) номи билан танилган Имом Қушайрий тасаввуф илми борасида етук олим бўлиб, асарида тасаввуфга оид қарашларини ислом тарихида машҳур илк суфий шайхлар сўзлари орқали нақл қилган [11: 424]. “Ат-Тайсир” асарининг деярли учдан бир қисмидаги оятларнинг тасаввуфий маъноларини айнан имом Қушайрийнинг “Латоиф ишорот” китоби орқали шарҳланган, Умар Насафий оятлардан ишорий маъноларни чиқаришга доир қарашларини келтиришда фойдаланган. Бу ўз навбатида, Умар Насафийнинг тасаввуф илмида моҳирлигини ҳамда ва асарида келтираётган маълумотлар ишончлилигини “Латоиф ишорот” асари асосида таъминлаганини билдиради [1: 153].

Абулҳасан Али ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Али Воҳидий Найсобурий (ваф.1076) буюк муфассир олим бўлиб, унинг Қуръон илмларига доир “Басит” (Кенгайтирилган) “Васит” (“Ўртача қилинган”) [8: 3156], “Асбоб ан- нузул” (“Нозил бўлиш сабаблари”) [1] ва “Ал-важиз” (“Қисқартирилган”) номли китоблари мавжуд [6: 5115]. Ушбу асарлар

[1] “Асбоб ан-нузул” – мазкур асарида муаллиф Қуръон оятларининг нозил бўлиш сабабларини таҳқиқ ва таҳлил қилади ва бу борадаги саҳиҳ ривоятларни тўплаган.

оят маънолари ва сабаби нузуллари борасида мурожат қилинадиган муҳим манбалардан ҳисобланади. Умар Насафий олимнинг ушбу асарларидан фойдаланишда Имом Воҳидийнинг номини очиқ баён қилмасдан, унинг асарларини тилга олган ҳолда нақллар келтиради [7: 6349].

Абулқосим ибн Ҳабибнинг (ваф. 1061) “Тафсир ибн Ҳабиб” асари. Бу асар тафсир илмига оид манбалар ичида у қадар эътиборли саналмайди. Бироқ Умар Насафий қироат ва тажвид илмига доир маълумотлар нақл қилишда ўринли фойдаланган. “Бақара” сурасининг 260-оятига берган тафсирида асар номини келтирмаган ҳолда муаллиф исмини қайд этиш билан чекланган. “Юсуф” сурасининг 4-ояти тафсирида эса манба ва унинг муаллифи исмини ҳам зикр қилган [4: 3231].

Шайх Яҳё Бошоғирийнинг (ваф. 838) “Исмат ал-анбиё” (“Набийларнинг маъсумлиги”) номли асаридан “Юсуф” сурасини тафсир қилишда фойдаланган. Ривоятларни келтиришда муаллифнинг исмини ёки асарнинг номи, муллифнинг куняси зикри билан кифояланган [4: 3231].

Али ибн Исҳоқ ибн Иброҳим Ҳанзалий Самарқандийнинг (ваф.1166) “Мушафаҳот” (“Суҳбатлашиш”) номли тафсиридан ҳам кўплаб нақллар келтирган [5: 7124]. Шунингдек, Умар Насафий “ат-Тайсир” тафсирида Абу Бастам Муқотил ибн Ҳайён ан-Набти (ваф. 767), Абдуллоҳ ибн Муборак ад-Динаварийнинг (ваф. 797) “Ғариб ал-Қуръон ва тафсируҳу” (“Қуръон ажойиботи ва унинг шарҳи”) ва “аз-Зуҳд ва ар-рақоиқ” (“Зуҳд ва гўзал хулқлар”) номли асарлари, Ҳусайн ибн Фазл ибн Умайр ал-Бажалий ал-Кофий (ваф. 895), Абу Али ал-Ҳасан ибн Наср ибн Мансур ат-Тусийнинг (ваф. 922) “Жами ал-баён ан таъвили айни ал-Қуръон” (“Қуръон таъвил қилиш борасида умумий баён”) номли асари, Абулҳасан ар-Рустуғфоний (ваф. 956), Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳасан Мавсилий Наққошнинг (ваф. 965) “Шифа ас-судур фи-т-тафсир ал-Қуръон” (“Қуръонни шарҳлаш борасида қалбларга шифо”) номли асари, Муҳаммад Али ибн Исмойил ал-Қаффол аш-Шошийнинг (ваф. 975) “Аҳком ал-Қуръон” (“Қуръон ҳукмлари”) номли асари, Абу Лайс Миср ибн Муҳаммад ас-Самарқандийнинг (ваф. 985)

“Тафсир ал-Қуръон ал-азийм” каби олимларнинг тафсир илмига оид асарларидан ҳам манба сифатида кенг фойдаланган [7: 520].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Умар Насафий Қуръон оятлари ва ҳадисларда учрайдиган ақидавий оятларни мотуридийлик таълимоти асосида, ислом ҳуқуқига доир қарашларни ҳанафийлик йўналишида, руҳий тарбия, нафсни тарбиялаш ва маънавий камолотга етиш борасида келган оятларни хуросонлик Абу Наср Қушайрий, Абдураҳмон Суламийларнинг талқинида шарҳлаши, шунингдек, Самарқанддаги Саффорий, Табғочхон мадрасаларида ислом илмларига оид ўқув қўлланмалар яратиши Мовароуннаҳрда мотуридийлик таълимоти ва тасаввуфни кенг тарқалишига хизмат қилган.

Бир сўз билан айтганда олимнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асари Мовароуннаҳр тафсиршунослигида алоҳида ўринга эга бўлиб, Қуръон оятларини шарҳлаш, уларнинг маъноларини баён қилиш ва қироат турларини очиб бериш борасида энг мўътабар манбалардан бирига айланган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Ҳафс Умар Насафий. Ат-Тайсир фи-т-тафсир / Моҳир Адиб Ҳаббуш таҳқиқи. Истанбул, 2019.
2. Абу Ҳафс Умар Насафий. Ат-Тайсир фи-т-тафсир. ЎзРФАШИ қўлёзмаси, инв. №4789.
3. Абу Ҳафс Умар Насафий. Ат-Тайсир фи-т-тафсир. ЎзРФАШИ қўлёзмаси, инв. №11922.
4. Абу Ҳафс Умар Насафий. Ат-Тайсир фи-т-тафсир. ЎзРФАШИ қўлёзмаси, инв. №3231.
5. Абу Ҳафс Умар Насафий. Ат-Тайсир фи-т-тафсир. ЎзРФАШИ қўлёзмаси, инв. №7124.
6. Абулҳасан Воҳидий. Ал-Важиз. ЎзРФАШИ қўлёзмаси, инв. № 5115.
7. Абулҳасан Воҳидий. Ал-Важиз. ЎзРФАШИ қўлёзмаси, инв. № 6349.
8. Абулҳасан Воҳидий. Ал-Васит. ЎзРФАШИ қўлёзмаси, инв. № 3156.
9. Ибн Халокон. Вафият ал-аъён ва анбаи аз-замон. 6 жилдли / Эҳсон Аббос таҳқиқи. Байрут, 1978.
10. Хайриддин ибн Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Али ибн Фарис ал-Зириклий. Ал-Аълам. 8 жилдли / Зафар Қосимий таҳқиқи. Байрут, 1998.

11. Шамсиддин Заҳабий. Сияр аломи ан-нубало. 15 жилдли / Шуайиб Арнаут таҳқиқи. Байрут, 1996.
12. Abdullayev A. The method of repor-ting in Qur`an / The Light of Islam. 2019. Iss. 1, Article 8. P. 59–64.
13. Maxsudov D. The development of trans-mitted and rational tafsirs / The Light of Islam. 2019(1), 9. P. 54–59.

А. Муратов

Умар Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарига асос бўлган манбалар

Юртимиз фондларида сақланаётган қўлёзма асарларнинг катта қисми ислом илмлари, хусусан, тафсир, ҳадис, фиқҳ, ақида, балоғат, мантиқ, араб тилшунослигига оид ҳисобланади. Шундай қўлёзмалардан бири, ислом тарихида ҳанафий мазҳабининг кўзга кўринган фақиҳи, ақида илмининг буюк намояндаларидан Умар Насафийнинг (1074–1142) “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асаридир. Мақолада олим мазкур асарини қайси манбалар асосида ёзгани ҳақида сўз юритилади.

Қўлёзма тафсир илмига бағишланган бўлиб, беш жилддан иборат. Унинг еттита нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланади. Манбада асосан юртимизда кўп йиллардан буён амалда бўлиб келган ҳанафийлик мазҳаби ва ақидада мотуридийлик йўналишининг Қуръони карим оятларини шарҳлашдаги ўзига хос услуби далиллар асосида очиқ-ойдин баён қилинган. Олим асарни ёзишда ислом оламида мўътабар саналган манбалардан фойдаланган. Мазкур тафсирни ёзишда олимга туртки бўлган асосий омил ўша даврда фиқҳий ва ақидавий муаммолар моҳиятини очиб берадиган манбага муҳтожлик эди. Умар Насафий асарини инсонларни қийнаб келаётган саволларга жавоб бериш орқали жамиятдаги муаммоларни бартараф қилишга аҳамият қаратган ҳолда, энг ишончли манбалар асосида ёзишга киришади. Бу эса асар қадрининг ошишига, унинг келажакда ҳанафий мазҳаби доирасида энг мўътабар манбалардан бирига айланишига хизмат қилди.

Калит сўзлар: *Абу Ҳафс Умар Насафий, тафсир, “ат-Тайсир фи-т-тафсир”, оят, имон, ҳадис, замонасининг олими, усул, услуб.*

А. Муратов

Основные источники труда Умара Насафи «ат-Тайсир фи-т-тафсир»

Большинство рукописей, хранящихся в фондах нашей страны, относятся к области исламских наук, в частности, тафсиру, хадису, фикху, акиде, красноречию, логике, лингвистике. Одной из таких рукописей является работа одного из великих представителей науки акида и выдающегося правоведа ханафитской школы Умара ан-Насафи (1074–1142 гг.) «ат-Тайсир фи-т-тафсир». В статье рассматриваются источники, которые Умар Насафи использовал в качестве основного источника при написании своей книги.

Рукопись посвящена науке тафсир и состоит из пяти томов. Семь рукописей этой работы хранятся в фонде Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии Наук Республики Узбекистан. В источнике дается информация о ханафитском мазхабе, который практикуется в нашей стране в течение многих лет, и об уникальном методе интерпретации аятов Корана согласно вероучению Матуридийа. При написании данной работы ученый использовал авторитетные источники исламского мира. Острая необходимость общества в источнике, который раскрыл бы суть правовых и доктринальных вопросов того времени, служила основной причиной написания данной работы. В книге ученый отвечает на самые сложные и важные вопросы на основе самых надежных источников, что позволило повысить ценность данной работы и сделать ее одним из самых авторитетных источников.

Ключевые слова: *Абу Хафс Умар Насафи, тафсир, ат-Тайсир фи-т-тафсир, аят, вера, хадис, ученый периода времени, метод, стиль.*

A. Muratov

Primary Sources Used in "at-Taisir fi-t-Tafsir" by Umar Nasafi

Most manuscripts housed in the depositories of our country are associated with Islamic sciences, in particular, tafsir, hadith, fiqh, aqida, logic, and linguistics. One of such manuscripts is "at-Taisir fi-t-Tafsir" by Umar Nasafi (1074–1142). The manuscript is dedicated to the science of tafsir and consists of five volumes. The article discusses the primary sources the scholar used in the work.

Presently, five manuscript copies of this work are stored in the depository of the Abu Rayhan Beruni, Institute of Oriental Studies at the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. The source clearly speaks of a unique method of interpreting the verses of the Koran in accordance with the Maturidi school of thought and Hanafi madhab. The scholar makes reference to most authoritative sources in the book.The main thing that prompted the scholar to write a commentary was the need for a book that would convey the essence of both creedal and fiqh issues at that period.

The scholar paid a great attention to overcoming the problems of society and solving peoples' problems in the work by referring to most reliable sources, which increase the value of the copy making it one of the most authoritative sources of Hanafi madhab.

Key words: *Abu Hafs Umar Nasafi, tafsir, at-Taysir fi-t-Tafsir, verse, faith, hadith, scholar of the period, method, style.*

F. Fayzullo

Amir Temurning fe'l-atvori va yosoqi ta'rifi
(Hofizi Abru "Zubdat at-tavorix" asari asosida)

O'rta asrning ko'zga ko'ringan davlat arbobi, mohir sarkarda va sulola asoschisi Amir Temurning (1336–1405) tarix sahnasidagi faoliyati haqida o'z davridayoq ko'plab asarlar yozilgan va unga turli rakurslarda